

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2018
февраль

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

К.ШАҲОБОВ

Ш.Холмирзаевнинг “Динозавр” романида ўтиш даврининг бадиий талқини 55

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.ИСКАНДАРОВА, З.АБДУЛЛАЕВ

Турли тизимдаги тилларда антропонимларнинг шаклланиши ҳақида 58

Н.УМАРОВА

“Садди Искандарий” достонида денгиз сафарига доир “Ҳаракатлар стратегияси” ёхуд Навоийнинг орзулар кемаси концепти 61

З.АЛИМОВА

Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг “Зубдат ут–таворих” асарида қўлланган форсий сўзлар хусусида 64

И. ДАРВИШОВ

Жануби-ғарбий Наманган ареали қипчоқ тип шевалари шохобчасининг фонетик-фонологик хусусиятлари 68

И.БАБАКУЛОВ

Рус ва ўзбек тилида сўзлашув тоифалари “қуроли”нинг семантикаси 72

Р.МАДЖИДОВА

Инсоннинг ижтимоий-лингвистик ва психоллингвистик хатти-ҳаракатида нутқ маданияти 76

Ш.СУЛТОНОВА

Темпораллик категориясининг лисоний-фалсафий тадқиқи хусусида 81

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ш.ХАНКЕЛЬДИЕВ, Г.БАЙДАДАЕВА

Ёш ўқувчиларнинг жисмоний имкониятларини ошириш учун педагогик технологияларни модернизация қилиш 84

Э.МИРЗАЖОНОВА

Алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар ижтимоий-маданий мослашувининг самарадорлиги масалалари. 89

ИЛМИЙ АХБОРОТ

А.ЮСУПОВА, С.ЎКТАМОВ

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика дарсларида фанлараро алоқа 94

А.ИБРАГИМОВ, Р.КАРАБАЕВА

Аҳолини сифатли ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлаш муаммолари 96

О. ДАДАЖОНОВ

“Ёш Вертернинг изтироблари” асарида исёнкорлик руҳи 99

С.ҚУРБОНОВА

Замонавий тилшуносликнинг баъзи масалаларига доир 102

У.ҚЎЗИЕВ

Янги изоҳли луғатлар тузишда сўзларни таснифлаш асослари ҳақида 104

М.МИРЗАЖАНОВ, Н.РАСУЛОВА

Мультимедиали ўқув-методик мажмуалар таълим жараёнини индивидуаллаштиришнинг асоси сифатида 107

Д.КАРИМОВ

Ёш гимнастикачиларни махсус-физикавий ва техникавий назоратга тайёрлаш 110

АДАБИЙ ТАҚВИМ

ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР 113

ХОТИРА

ИБРАТЛИ УМР СОҲИБИ 114

УДК: 519.21+519.24/.27

ЭХТИМОЛЛАР НАЗАРИЯСИ ВА МАТЕМАТИК СТАТИСТИКА ДАРСЛАРИДА ФАНЛАРАРО АЛОҚА

А.Юсупова, С.Ўктамов

Аннотация

Ушбу мақолада фанлараро алоқа ва унинг аҳамияти ўрганилган.

Аннотация

В данной статье изучаются межпредметные связи и их значение.

Annotation

In this paper, we study interdisciplinary connections and their meanings.

Таянч сўз ва иборалар: фанлараро алоқа, фанлараро алоқа шакллари, хронологик, хронометрик

Ключевые слова и выражения: межпредметные связи, формы межпредметных связей, хронологический, хронометрический.

Key words and expressions: interdisciplinary connections, intersubject communication forms, chronological, chronometric.

Жамиятнинг, фан, жумладан информацион технологиялар соҳаларининг тез ривожланиб бориши олий таълим тизимида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар олдига ҳам қатор вазифалар қўймоқда. Давр билан ҳамнафас, шунингдек жамиятнинг узлуксиз ўсиб бораётган талабларига жавоб бера оладиган, ўз соҳасидагина эмас, замонавий мутахассисга мос хусусиятларга эга билим, кўникма ва малакали мутахассисларни тайёрлаш учун олий таълим тизими профессор-ўқитувчиси ҳам ўз устида тинимсиз ишлаши лозим.

Олий таълим соҳасидаги кўп йиллик тажриба ва кузатиш натижалари шуни кўрсатадики, бу соҳада ишловчи профессор-ўқитувчиларнинг кўпчилиги ўз фанини бошқа фанлардан устун қўйишга интилиб, мустақил ишлаш учун топшириқларни, уй вазифаларини беришда бошқа фан ўқитувчилари билан кенгашиш, ишларни координациялаштириш ва талаба вақтини ҳисобга олишга кам эътибор бермоқдалар.

Фанларнинг интеграциялашуви олий таълимда ҳам фанлараро алоқаларни, биргаликда қўшма дарслар ўтишни талаб этмоқда. Фанлараро алоқа фақат қоғозда эмас, амалда ҳам бажарилса, бу фақат ижобий натижа бериши, талабаларнинг дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тарихдан маълумки, кўплаб педагог олимлар фанлараро алоқага катта эътибор

берганлар. Фанлараро алоқага оид фикрлар Платон, Аристотель, Кант, Гегель, Эйнштейн каби буюк олимларнинг асарларида келтирилган, изоҳланган. Буюк славян педагоги Ян Амос Коменский ўзининг “Буюк дидактика” номли машҳур асарида ўзаро алоқада бўлган нарсалар шундай алоқада ўргатилиши лозим деган ғояни илгари суради. Француз файласуфи ва педагоги Жан Жак Руссо бир фанни чуқур билиш учун унга яқин бўлган фанларни билиш зарур деб ҳисоблайди.

Демак, неча асрлардан бери долзарб бўлган фанлараро алоқа ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Эхтимоллар назарияси ва математик статистика фанини ўқитишда фанлараро алоқанинг қуйидаги шаклларида фойдаланишимиз мумкин.

(1-расм):


1. Таркибига кўра
2. Ҳаракат йўналишига кўра
3. Элементларнинг ўзаро таъсирлари

усулига кўра.

Таркибига кўра фанлараро алоқа конкрет мавзунини ўтишда бошқа фанлардаги маълумотлардан фойдаланишни кўзда тутаяди. Масалан ҳодиса тушунчасини ўтишда физикадаги нормал атмосфера босими, сув ҳолатларини, тасодифий миқдорнинг сонли характеристикалари тушунчасини ўтишда эса математик анализнинг қатор, интеграл тушунчаларидан бевосита фойдаланилади.

А. Юсупова – ФарДУ математика кафедраси доценти,

С.Ўктамов – ФарДУ математика ўқитиш методикаси йўналиши 3 – курс талабаси.



Таркибига кўра фанлараро алоқа ўз навбатида мазмун бўйича, бажарилган амаллар бўйича, услубият бўйича, ташкилият бўйича каби турларга бўлинади.

Бажарилган амаллар бўйича фанлараро алоқага эҳтимоллар назариясидаги ҳодисалар устида амаллар ва тўпламлар назариясидаги тўпламлар устидаги амалларни мисол қилиб келтириш мумкин. Услубият бўйича алоқага мисол сифатида математик анализдаги ва эҳтимоллар назариясидаги теоремаларни исботлаш усулларининг ўхшашлигини айтиб ўтишимиз мумкин. Бир томонли алоқада бевосита бир фандаги натижалардан иккинчи фанда фойдаланиш кўзда тутилса, икки томонли алоқаларда икки фанда ўзаро бир-биридаги тушунчалардан фойдаланиш назарда тутилади. Кўп томонли алоқаларда математика фанлар доирасига кирувчи математик анализ, эҳтимоллар назарияси, алгебра ва сонлар назарияси каби фанлардаги ўзаро умумий тушунчалардан фойдаланишда бошқа фанларга мурожаат қилиш асос бўлади.

Элементларнинг ўзаро таъсирига кўра алоқаларнинг хусусий ҳоли сифатида қаралаётган хронологик алоқаларда бошқа фандан олинаётган қайси тушунча маълум вақт давомида етакчи тушунча ролини ўйнаётганлигига аҳамият қаратилса, хронометрик алоқаларда бошқа фандан олинаётган тушунчанинг ўтилаётган фанга қанча вақт давомида қўлланилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув жараёнида фанлараро алоқани амалга оширишни режалаштирар эканмиз, бу жараёнда ўқитувчи келгусида қайси фанлардан қайси мавзуларни, қандай тушунчаларни ўз фанида қўллаши кераклигини режалаштириши керак бўлади.

Замонавий илғор хорижий тажрибаларни ўрганар эканмиз, у ерда мавзуни чуқур ўрганиш билан бир вақтда, бу мавзуни ҳаётий масалаларга қўллаш кўникмаларини талабаларда ҳосил қилиш энг асосий вазифалардан бири эканлиги эътиборимизни торди. Бу хорижий тажрибаларни ўз фаолиятимизга жорий қилишда фанлараро алоқа муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Юсупова А.К., Қосимова Д. Математика таълимида ўқувчилар йўл қўйган хатоларни тўғрилаш ва йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларнинг олдини олиш // "Глобаллашув шароитида фан ва таълимни ривожлантириш тенденциялари". Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Фарғона, 2017.
2. Юсупова А.К., Юлдашева М. Математика дарсларини лойиҳалаш. // "Глобаллашув шароитида фан ва таълимни ривожлантириш тенденциялари". Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Фарғона, 2017.

(Тақризчи: А.Ўринов, физика-математика фанлари доктори, профессор).